

# Эссенциал артериал гипертензия (гипертония касаллиги) асоратлари ва уларни олдини олиш ва замонавий даволаш усуллари

Тошева Зебунисо Рустам кизи

Тошкент Тиббиёт Академия Термиз филиали

**Аннотация:** Ушбу маколада гипертония касаллиги асоратлари ва бу касалликни вактида аниклаб ташхис куйиш ва даво чораларини уз вактида бошлиш ва беморларни келажақдаги хаёт сифатини яхшилаш ногиронлик ва улим камайтириш каби муаммолар ва уларнин ечими хакида фикр юритилади.

**Калит сұзлар:** Систолик босим , Артериал гипертензия , АГ синдром аорта коарктацияси, пиелонефрит, Эссенциал АГ, Гиперлипидемия стимуляторлар .

**Эпидемиология** АГ барча ихтисосликдаги врачларнинг амалий фаолиятида тез-тез учрайдиган синдром ҳисобланади. Сүнгти маълумотларга кўра, жаҳонда 20 ёшдан ошган аҳолининг 27% га яқинида АГ кузатилади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) эксперталари хulosаларига кўра, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 29% ни ташкил этиб, беморлар сони 1 млрд. 56 млн. га этади.

ГК катта ёшли аҳоли ўртасида кенг тарқалганлиги кўп сонли эпидемиологик текширишлар натижасида тасдиқланган. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда АБ кўрсаткичлари юқори бўлган беморлар сони айни вақтда 20 – 30 % ташкил этади. Россияда АГ эркаклар орасида 39,2%, аёллар орасида эса 41,1% ҳолларда учрайди.

ГК ва бемор ёши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Масалан, 65 ёшдан ошган шахслар орасида ГК 50 % ҳолларда учрайди. Навқирон ва ўрта ёшли эркаклар, аёлларга нисбатан кўп касалланади, айни вақтда 50 ёшдан ошган шахслар орасида ГК эркакларга нисбатан аёлларда кўп кузатилади. Ўзбекистонда АБ ошиши барча аҳолининг 13-15% да, 40-59 ёшдагиларда эса 26,6% ҳолларда қайд этилган. 20-60 ёшдаги шаҳар аҳолисининг 11,3% эркакларида ва 16,6% аёлларида ҚБ кўтарилиши аниқланган. Қишлоқ жойларида бу кўрсаткичлар тегишлича 12,6% ва 14,7% ни ташкил этади.

**Мавзунинг долзарбилиги :** Артериал гипертензия (АГ)- бу артериал босимни (АБ) меъёрий кўрсатгичлардан (системик АБ 140 мм.сим.уст. ва/ёки диастолик 90 мм.сим.уст.) юқорига турғун кўтарилиш ҳолати бўлиб, бу ўзгариш камида икки марта турли шароитда (шифокор қабули, уйга чақирув) буморни тинч холатида шифокор томонидан ҳеч бўлмаганда уч марта ўлчангандан кейин аниқланган бўлиши лозим. Айни вақтда бемор қон босим (ҚБ) кўрсаткичига таъсир этувчи дори воситалар қабул қилмаган бўлиши ушбу тарифни асослашнинг асосий шарти хисобланади. Меъёрда елка артериясида системик босим 139 мм.сим.уст. дан, диастолик босим эса – 89 мм.сим.уст. дан ошмайди. АҚШ миллий қўмитаси тавстиясига кўра (1993 й.) елка артериясидаги ҚБ нинг меъёрий кўрсатгичлари- системик- 129 мм.сим.уст., диастолик эса – 84 мм.сим.уст. да бўлиши керак. Системик босим 130 дан 139 мм.сим.уст. гача, диастолик босим эса 85 дан 89 мм.сим.уст. гача бўлганда “юқори меъёрий” кўрсатгич деб хисобланади. ҚБ ни



ушбу кўрсатгичлардан юқори бўлиши АГ ташхиси кўйишга асос бўлади. АГ синдроми деганда ҚБ нинг барқарор ошиши билан кечадиган барча патологик ҳолатлар назарда тутилади. АГ мавжудлигини тасдиқловчи асосий мезон ҚБ ни тегишли ёшга нисбатан кўтарилиши ҳисобланниб, унинг 18 ёшдан катта бўлган беморлар учун кўрсаткичлари қўйидагича:

- системик ҚБ >140 мм симоб устуни;
- диастолик > 90 мм симоб устуни.

*Этиологиясига кўра АГ барча ҳолатлари 2 гурӯхга бўлинади:*

1. Бирламчи (эссенциал ёки идиопатик) АГ (гипертония касаллиги- ГК).
2. Иккиламчи (симптоматик) АГ.

*Симптоматик (иккиламчи) АГ* мустақил касаллик ҳисобланмайди. У бошқа касалликлар, масалан, буйрак (пиелонефрит, гломерулонефрит ва х.о.), эндокрин тизими (гипертиреоз, фиохромацитома ва х.о.), марказий асад тизими (жароҳатдан сўнгги энцефалопатиялар ва х.о.), қон-томир тизими (аорта коарктацияси, атеросклероз ва х.о.) касалликларининг асосий белгиларидан бири сифатида қаралади.

АГ ривожланишига олиб келувчи бирор аъзо ёки эндокрин тизими хасталиклари билан қон босим кўтарилиши орасида боғлиқлик аниқланмаган ҳолларда касаллик *эссенциал (бирламчи) АГ* (гипертония касаллиги) ҳисобланади. Эссенциал АГ (ГК) юрак қон –томир тизимини ёшга боғлиқ ҳолда томирларда кузатиладиган ўзгаришлар, авж олиб борувчи асоратлар ҳисобига кузатиладиган гемодинамик силжишларга мослашиш хусусиятини бузилиши натижасида юзага келадиган касаллик.

ҚБ кўтарилиши симптоматик АГ да кўпгина касалликларнинг асосий симптомиларидан бири бўлса, ГК да аксарият ҳолларда касалликнинг ягона клиник белгиси сифатида намоён бўлади. ГК ташхиси айнан шу беморда учраши мумкин бўлган барча симптоматик АГ лар инкор этилгандан кейин қўйилади. ҚБ сурункали кўтарилиши билан кечадиган касалликларнинг 90 – 95% ни эссенциал АГ ташкил этади.

**Этиология** Аслида эссенциал АГ (ГК) этиологияси номаълум бўлсада, айни вақтда уни ривожланишига олиб келувчи баъзи *хавфли омиллар*, ҳамда шакилланишини тамилловчи патогенетик механизмлар тўғрисида етарлича маълумотлар мавжуд. Улардан қўйидагилар ГК ривожланишида муҳим аҳамиятга эга:

1. Наслий мойиллик.
2. Жисмоний фаолликнинг чегараланиши (гиподинамия).
3. Семизлик.
4. Овқатланиш хусусиятлари (ош тузини, хайвон ёғларига ва углеводларга бой махсулотларни кўп миқдорда истеъмол қилиниши).
5. Кальций ва магний етишмовчилиги.
6. Кўп миқдорда алкоголь истеъмол қилиш.
7. Гиперлипидемия.
8. Кашандалик.
9. Шахсий хусусиятлар (ёши, жинси, характеристи ва х.о.).

*Наслий мойиллик* юқорида санаб ўтилган хавф омиллари орасида энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Чунончи, ота-оналаридан бирида ГК мавжуд бўлса, ушбу



хасталикнинг болада пайдо бўлиш эҳтимоли 25%, иккаласи ҳам касал бўлган холда эса, бу кўрсатгич 50% гача етади. Ушбу холатда нафақат ота- онасида ёки яқин қариндошларида ГК мавжудлиги, балки касаллик хусусияти, оғирлик даражаси, АБ кўтарилиганинига аниқланган вақтдаги бемор ёши, ҳамда авлодида ушбу касаллик асоратлари мавжудлиги аҳамиятга эга. Айни вақтда ушбу гурух беморларда касаллик фақат маълум бир хавф омиллар таъсирида замонавий инсон ҳаёт тарзини ўзгартирганда ривожланади.

*Жисмоний фаолликнинг чегараланиши* (гиподинамия) замонавий ҳаёт тарзининг муҳим хусусияти бўлиб, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг аксарият аҳолиси яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлмаганлиги сабабли нафақат мушак тизими, балки қон айланиш ва нафас олиш тизимларининг мослашиш хусусияти кескин пасайиши хос. Ушбу холатда ҳар кунлик ҳаётий вазиятлар (бир оз жисмоний ва психоэмоционал зўрикиш, х.о.) тизим ва аъзоларда хужайра даражасида кечадиган жараёнларни, яъни тахикардия, АБ ни кўтарилиши каби чуқур ўзгаршларни юзага келтиради. Бундай дезадаптация (мослашолмаслик) ГК шакилланишининг бошланғич сабаби бўлиши мумкин. Семизлик, АГ ривожланиш хавфини сезиларли даражада (2 – 6 марта) оширади. Семизлик мавжуд бўлган аҳоли орасида метаболик синдром кўп учрашиши тана вазни оғирлиги билан АБ кўрсатгичи орасида тўғридан - тўғри боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради. Ушбу синдром асосида эндотелиал фаолиятни бузилиши ётган бўлиб, томир тонусини махаллий мувозанат қилувчи механизми прессор стимуляторлар (кўзғатувчилар) дан устунлик қила бошлайди ва бу АБ ни кескин кўтарилишига олиб келади. Бундан ташқари ортиқча тана вазнига эга бўлган беморларда кузатиладиган гиперлипидемия артерияларни эрта атеросклеротик шикастланишига олиб келади ва қон томир деворлари регидлигини ошириб ташқи физиологик таъсирларга жавобан (вазоконстрикция) қон томирларни торайтиради.

*Ош тузи (NaCl)* кўп миқдорда истеъмол қилиниши баъзан ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлади (масалан, АГ “тузли” шаклида). Катта ёшдаги соғлом одам учун ош тузига бўлган кунлик талаб 3,5-4,0 г (ёки тахминан 60-70 мэкв натрий) ни ташкил қилиши маълум. Лекин хозирги вақтда АГ билан оғриш эҳтимоли юқори бўлган иқтисодий ривожланган мамлакатларда ош тузи кунига 6-18 г гача қабул қилинади. Айни вақтда айрим ҳалқлар ва қабилалар (янги Гвинея ва Полинезия оролларидағи аборигенлар, Алякадаги эскимослар, Внесуэладаги индейцлар ва х.о.) кунига қабул қиласиган ош тузи миқдори 4 г дан ошмайди ва уларда жуда камдан кам холларда АБ ни кўтарилиши кузатилади.

Озиқ- овқат билан организмга тушган *натрий* (литий ҳам) осмотик босимни, хужайрадан ташқари суюқлик миқдорини ва айланиб юрган қон хажмини оширади. Натижада юрак отиб бераётган қон ҳажми кўпаяди ва АБ ни кўтарилишига олиб келади. Бундан ташқари хужайра ичидаги  $\text{Na}^+$  концентрациясини ошиши  $\text{Na}^+ - \text{Ca}^{2+}$  алмашинуви механизмига кўра хужайра ичидаги  $\text{Ca}^+$  ионлари миқдорини кўпайиши билан кечиб қон томир деворидаги силлиқ мушаклар тонусини кучайишига ва натижада АБ ни кўтарилишига сабаб бўлади. Бу организмда  $\text{K}^+$  ионлари миқдорини камайтиради ва  $\text{Na}^+/\text{K}^+$  нисбат кўрсатгичини кўпайтиради.



*Кальций ва магний етишмөвчилиги* ҳам АГ ривожланишига олиб келиши мүмкін. Таркибіда туз миқдори кам бўлган “юмшоқ” сув истеъмол қиласидиган аҳоли орасида ГК ва ЮИК билан касалланиш юқори бўлиб, айни вақтда юқори минералланган (“қаттиқ”) сувдан фойдаланадиганларда ушбу касалликлар кам учраши аниқланган.

*Кўп миқдорда алкоголь истеъмол қиласидигандарда* биринчи навбатда аорта ва синокаротид соҳа барореценторлари сезувчанлиги камаяди ва шу сабабли АБ ни марказий назорати бузилади.

*Гиперлипидемия* катта қон айланиш доирасидаги қон томирларда таркибий – функционал ўзгаришлар (атеросклероз) ривожланишини кучайтириб АБ кўрсатгичини турғун кўтарилишига олиб келади.

*Кашандалик* ҳам маълум бир даражада АБ га таъсир этади. Аввалам бор эндотелий фаолияти бузилиши ва қон томирларни торайтирувчи омилларни (тўқимали АП, эндотелин ва х.о.) фалоллашиши ҳисобига АБ кўтарилишига сабаб бўлади.

*Бемор ёши* ГК ни бошқарib бўлмайдиган асосий хавф омилларидан бири ҳисобланади. Ёш ўтиши билан қон босимини бир меъёрда ушлаб турувчи аксарият тизимлар фаоллиги сустлашади. Бу ўзгаришлар юқорида санаб ўтилган таъсир этувчи хавф омиллар мавжуд бўлганда янада яққолроқ намоён бўлади.

### **Артериал гипертензиянинг гемодинамик оқибатлари ва мўлжал аъзоларни шикастланиши**

ГК мўлжал аъзоларда (юрак, бош мия, буйрак, томирлар (жумладан кўзтубидаги ва бошқа сохалардаги қон томирлар)) таркибий ва функционал бузилишлар билан намоён бўлади. Ушбу аъзолар шикастланиши асосида уларни қон билан таминловчи артериал қон томирлардаги ўзгаришлар ётади. Мўлжал аъзолар шикастланишининг мавжуд белгилари ГК ни қиёсий ташхислашда, даволаш тамоилларини танлашда ва касаллик оқибатини башорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

**Қон томирлар.** АГ да артериал қон томирлар касалликнинг илк босқичлариданоқ таркибий ва функционал ўзгаришларга учрайди. Патологик ўзгаришлар барча периферик, бош мия, коронар ва висцерал қон томирларни қамраб олади. ГК да аксарият ҳолларда қуйидаги ўзгаришлар кузатилади:

1. Мушак туридаги артериялар девори гипертрофияси қон томирлар тирқишини торайшига, улар девори ригидлигини ва УПТҚ ни ошишига олиб келади. Керноген индекси, яъни қон томир девори қалинлигини унинг диаметрига нисбати ошиши кузатилади . Артериялар деворидаги силлик мушаклар гипертрофияси асосан тўқима РАТ ва эндотелинлар таъсири билан боғлиқ.

2. Қон баланд гидростатик босим таъсирида (артериосклероз) плазма оқсилларини томирлар деворига инфильтрацияси кўринишидаги (*гиалиноз*) дегенератив ўзгаришлар.

3. Эндотелий пролиферацияси, силлик мушак хужайралари гипертрофияси, қон томир деворидаги дегенератив ўзгаришлар ва микротромбозлар ҳисобига фаолият кўрсатаётган артериолалар сонини камайиши. Бу ўзгаришлар эндотелийга боғлиқ ёки қонда айланиб юрган бирикмалар (АП, ўсиш омили, катехоламинлар, инсулин ва бошқалар) таъсирида янада чуқурлашади.

4. Йирик артериялар атеросклерози, атеросклеротик пилакчалари хосил бўлиши, томир тирқишини торайиши ҳисобига регионар қон айланишини бузилиши.



Атеросклеротик пилакчалар сохасида девор олди ёки томир тирқишини бекитувчи тромблар хоси бўлиши мумкин.

**Юрак** ГК да юракни шикастланиши қўйидагича намоён бўлади:

- чап қоринча миокарди гипертрофияси;
- ЧҚ ни систолик ва/ёки диастолик дисфункцияси мавжуд бўлганда юрак етишмовчилиги ривожланиши (ЧҚ ёки бивентрикуляр);
- тож томирлар атеросклерозини (ЮИК) клиник ва асбобий белгилари;
- тўсатдан юракдан ўлим хавфини ўта юқорилиги.

Айрим холларда ГК асосида ривожланган ушбу ўзгаришларни акс эттиришда “гипертоник юрак” термини қўлланилади

#### **ГК да кўпинча кузатиладиган шикоятлар**

*Бош оғриги* ГК нинг илк белгиси бўлиб, кейинчалик касаллик авжланиб борган сари у асосий субъектив симптомларидан бирига айланади. Ҳар бир беморда, касалликнинг турли босқичларида бош оғриги хусусияти ва механизми турлича бўлади.

“Типик” (касалликка хос бўлган) бош оғриги. Аксарият беморларда бош оғриги тунда ёки эрта сахарда (у бош оғриги билан уйғонади) пайдо бўлиши хос. Оғриқ унча кучли бўлмай, bemorlar boшинni энса, peshona қисмида ёки hamma sohasiда oғirlik ёki tiқiliш xisiga (“тўмтоқ” бош оғриги) shikояt қиладilar. Aйrim hollarda boш oғriғi йўталганда, oлдинга эгилганда va горизонтал xолатda кучаяди. Oғriқ қовоқларда va юз соhасида bир oz шиш билан birga kechiши mумkin. Aйrim hollarda (ҳар доим эмас) ушбу turdagи boш oғriғi AB kўtariлиши bilan boғliқ bўliши mумkin.

Ушбу boш oғriқlari асосан интракраниал веналар тонусини пасайиши va boш suyklari bўshligidan konni oқib чиқishini бузилиши xisobiga юзaga keladi. Natiжada веналар кенгайиб қон билан тўлади va boш мия ichida функционал гипертензия ривожланади . Ушбу xолатda кенгайgan boш мия веналari devoriда жойлашgan tasirchan receptorlarни kўzғaliши boшdagi oғriқlarni tўғridan – tўғri sababi xisoblanadi. Venalarда қон oқishini яхшилаш (verтикал xолatda bўliш, masaj- uқalaş, mushaklarни haракатga keltiriш va x.o.) oғriқ intenzivligini kamaiishiiga ёки ўтиб ketishiiga olib keladi.

“Ликворли” ли (“суюқлик” ли) бош оғриги –AB oшган vaqtida boш mияga kўp mikdorda қon oқib kelaGANda arteriyalar etarli daражada kompensator (spazmi) қаршилик kўrsata oлmasligi (boш mия arteriyalari nisbii gipotonija), hamda веналarda konni oқib ketishi қийinlaishihi natiжasida boш mияda bosimni oshiriши sababli юzaga keladi. Ushbu turdagи boш oғriғi ГК nинг kechki bosқichlariда, ёmon sifatli AG da ёki gipertoniK kriZlar vaktida kuzatiladi. Ushbu xolatda boшdagi kuchli oғriқ tarkalgan, lўққillovchi (“boшga қўrғoshin қуйilgandek”) xususiyatga ega bўлади. Xar қanday haракат (йўtal, tana va boш xolatinini ўzgartiriш) oғriқni kuchaiishiha olib keladi. Oғir xolatlarда boш mия shishi kuzatiliB, boш oғriishi boш mияda қon ailaniishi бузiliшининг umumiy belgilari (haракатni sustlaishihi, kўngil aйnashi, kait қiliш, kўriшni бузiliши, kўz oлmasini nistagmsimon haракati va boшқa belgilari) bilan birga kechadi.

“Ишемик” boш oғriғi AB ni keskin oshishiha (masalan gipertoniK kriZlarدا) жавобan boш mия arteriyalari tonusini ўta oshib ketishi natiжasida unda қon



айланишини ёмонлашиши, мияда ишемия юзага келиши ва периваскуляр шиш хисобига юзага келади. Ушбу холатда босувчи, тиқилувчи, қахшатувчи түмтөк оғриқ билан бирга бош мияда қон айланиши бузилишининг умумий ва маҳаллий (кўнгил айниши, Ю вақти вақти билан бош айланиши, кўз олди жимирлаши) симптомлари кузатилади.

ГК билан оғриган беморларда *юрак соҳасида оғриқлар* аксарият холларда функционал характерга эга бўлади ва стенокардияга хос бўлган оғриқлардан қуидаги белгилар билан фарқ қиласади:

- асосан юрак чўққиси соҳасида ёки тўш суюгидан чапда жойлашади;
- тинч холатда, эмоционал зўриқишида ёки АБ кўтарилиганда пайдо бўлади;
- жисмоний зўриқишига боғлиқ эмас;
- айрим холатларда узоқ вақт давом этади (дақиқа, соатлар);
- нитроглицерин самара бермайди.

Айни вақтда ГК ни маълум бир босқичларида стенокардияга хос оғриқ хуружлари кузатилиши мумкин. Бу тож томирлар атеросклерози ҳамда ЧҚ ни яққол намоён бўлган гипертрофияси хисобига нисбий коронар қон айланиши етишмовчилиги ривожланиши билан боғлиқ.


ГК билан оғриган беморларда аввал жисмоний зўриқишида кейинчалик тинч холатда *хансираш* кузатилиши юрак мушаклари шикастланиб ЧҚ етишмовчилиги ривожланганлигидан далолат беради. Айни вақтда хансираш билан намоён бўладиган СДБ ни, ЧҚ тўлиш босимини ошиши ва ўпкада бир оз қон димланиши нафақат юрак мушаклари қисқарувчанлигини бузилиши билан, балки гипертрофияланган ЧҚ миокардини яққол намоён бўлган диастолик дисфункцияси билан хам боғлиқлигини такидлаб ўтиш лозим.

*Оёқларда шии* пайдо бўлиши бивентрикуляр юрак етишмовчилигидан далолат беради. ГК билан оғриган беморларда бир оз периферик шиш буйракни экскритор фаолияти бузилиши, РААТ фаоллашиши хисобига  $\text{Na}^+$  ва сувни кўп ушланиб қолиниши ёки айрим дори воситалар таъсирида пайдо бўлиши мумкин.

Ушбу гурух беморларга *кўриши фаолиятини бузилиши* ҳам хос. АБ кўтарилиганда кўз олдида туман, парда ёки жимирлашиши пайдо бўлади. Бу шикоятлар асосан кўз пардасида қон айланишини бузилиши билан боғлиқ. ГК билан оғриган беморларни хаёт сифати бир мунча пасайган бўлиб, бу аёлларда эркакларга нисбадан кучлироқ намоён бўлади. Улар кўпинча бош оғриши, бош айланиши, тунги уйқуни бузилиши, қундуз кунги уйқучанлик, брак соҳасида оғриқка, эслаш қобилиятини пасайиши, тез толиқиши ва тушкунликка тушишга шикоят қиласадилар.

Касалликнинг клиник кўриниши - АБ даражасига боғлиқ бўлиб, беморларнинг тахминан 50% да шикоятлар бўлмаслиги мумкин. Қолган қисмида эса бош оғриши ва айланиши, қулоқ шангиллаши, юрак соҳасидаги оғриқ, турли ритм бузилишлари, тез чарчаши, иш қобилияти пасайиши, уйқу бузилиши, хотира сусайиши, метеопатик ўзгаришларга сезувчанлик каби белгилар ёки уларнинг айримлари кузатилади. Шу билан бир қаторда эссенциал гипертензия билан оғриган беморлар анамнези сўраб суриштириш жараёнида симптоматик АГ ларни инкор этиш лозим.

**Артериал босимни кун давомида мониторлаш** Автоматик мониторлаш узоқ вақт давомида АБ ни ўзгариш динимикасини аниқлаш учун кўлланилади



АГ ни этиологияси ва патогенезини аниқлаш мақсадида; 2) Оғир холатларда гемодинамикани асосий күрсатгичларини назорат қилиш учун; 3) АГ билан оғриган беморларга дори воситаларини индивидуал дозасини танлаша.

Кунлик АБ профили бир нечта миқдорий күрсатгичга асосан баҳоланади ю


- ўртача кунлик систолик босим;
- ўртача кунлик диастолик босим;
- кунлик максимал систолик босим;
- кунлик максимал диастолик босим;
- тунги ва кундузги вақтдаги ўртача систолик ва диастолик босим;
- “кунлик зўриқиши босими”- АБ ни 140/90 мм.сим.уст. дан юқорига кўтарилишларини умумий ўлчашлар сонига нисбатан олинган проценти;
- АБ ва касалликнинг бошқа белгиларини кун давомида ўзгариши.

Кунлик АБ профили тахлил қилганда, соғлом одамда ҳам систолик ва диастолик босим кун давомида ўзгариб туришини унитмаслик лозим. У жисмоний, психоэмоционал ва ақлий зўриқища, ҳамда кунлик биологик (циркадли) ритм натижасида ўзгариб туради. Кундуз куни иккита АБ ни кўтарилиш пики кузатилади: эрталаб соат 9 ва 11 оралиғида ҳамда кечкурин соат 18 ларда. Кечки ва тунги вақтларда АБ пасаяди. Соат тунги 2-5 оралиғида минимал күрсатгичда бўлади ва эрталаб босим яна кўтарилиди. АД ни кунлик профели соғлом одамларда ҳам, ГК билан оғриланларда ҳам кузатилади. Факат беморларда АБ күрсатгичи юқори бўлади. Айрим беморларда АБ ни максимал күрсатгичи кечки пайтда кузатилиб, уни тунги пасайиши суст намоён бўлади. АБ ни 24 соат давомида мониторлаш натижалари гипотензив воситаларни индивидуал танлаш учун қўлланилади.

**Дориларсиз даволаш** Агар систолик ҚБ 140-159, диастолик 90-99 мм сим.уст.да бўлиб, нишон аъзолар шикастланмаган бўлса, хавф омиллари бўлмаса 6-12 ой, 1-2 та хавф омиллари бўлганда эса (ҚД бундан мустасно) 3-6 ой давомида дориларсиз даво олиб борилади. Унинг самарадорлиги хақида 3 ойдан кейин хулоса чиқариш мумкин. Бемор ҚБни оширадиган дори воситаларини (НЯҚВ, ГКС, комбинацияланган перорал контрацептивлар, эстрогенлар) қабул қилаётган бўлса, даволаш уларни бекор қилишдан, агарда унинг иложи бўлмаса, бевосита гипотензив препаратларни тавсия этишдан бошланади. Дориларсиз даволашга тана вазнини камайтириш, спорт билан шуғулланиш, чекишдан воз кечиш, аутотренинг, ош тузи ва алкоголь истеъмол қилишни чегаралаш киради.

**Семизлик:** ортиқча тана вазни ҚБ кўтарилишига олиб келувчи асосий сабаблардан биридир. Тана вазнини 1 кг га камайтириш систолик ҚБни симоб устуни ҳисобида ўртача 2,5 мм га, диастолик босимни эса 1,5 мм га пасайтиради. Тана вазни индекси: Н/W<sup>2</sup> формула (бу ерда Н-оғирлик (кг), W-бўй (м)) ёрдамида ҳисобланади ва бу кўрсаткич 20-25 кг/м<sup>2</sup> дан юқори бўлса, тана вазнини камайтириш тавсия этилади.

**Жисмоний фаоллик:** ҚБ ни пасайтириш учун мунтазам равишда жисмоний машқларни бажариб бориш лозим. Қисқа вақтли динамик жисмоний юкламалар, статик зўриқиши (оғир юқ кўтариш) ёки кучли психоэмоционал қўзғалиш (спорт мусобақасига қатнашиш) билан боғлиқ бўлмаган харакатлар, масалан юриш тавсия этилади. Жисмоний юклама ҳажмини секин –аста гемодинамик күрсатгичларни (АБ, пульс ва




бошқа) назорат қилған холда ошириб бориш тавсия этилади. Бемор күпі билан хафтада 2-3 марта 30-60 дақықадан күп бўлмаган вақт давомида, иложи бўлса реабилитация марказларида, шифокор назорати остида шуғилланиши лозим. У тана вазнини назорат қилиш, юрак қон –томир ва нафас олиш тизимларининг мослашиш хусусиятларини ошириш имконини беради, ҳамда стрес холатларида симпато адреналин тизими фаоллашишини, юракни отиб бериши ва периферик қон томирларни умумий қаршилиги ошишини олдини олади. Натижада нафақат АБ балки ГК ни асоратланиш хавфи ҳам камаяди.

Жисмоний юклама тури ва хажмини кўрсатма ва қарси кўрсатмаларни инобатга олган холда танлаш лозим.

**Аутотренинг:** ўта толиқиб қолишдан эхтиёт бўлиш зарур. Агар бунинг иложи бўлмаса, аутотренинг тавсия этилади.

***Артериал гипертензияни парҳез ёрдамида даволашнинг асосий тамойиллари:***

- тавсия қилинаётган таомларнинг энергетик қиймати организм сарфлаётган энергияга мос келиши лозим. Беморда семизлик мавжуд бўлган тақдирда эса қундалик қабул қилинаётган таомлар калорияси чегараланди;
- парҳез овқатлар тромбоцитлар агрегациясини камайтирувчи, антисклеротик хусусиятларга бой маҳсулотлардан ташкил топган бўлиши керак;
- қундалик қабул қилинаётган эркин суюқлик миқдори 1,0-1,5 л гача камайтиради;
- рациондан марказий асад ва юрак қон-томир тизимини қўзғатувчи (гўштли, балиқли қуюқ шўрвалар, аччиқ чой, қаҳва, шоколад, дудланган маҳсулотлар) ва ичакларда газ ҳосил бўлиш жараёнини кучайтириб, уларни кенгайишига олиб келувчи (нўхат, ловия, газли ичимликлар ва бошқалар) маҳсулотларни истисно қилиш лозим;
- қундалик овқатга липотроп, клетчаткага бой моддаларни ва денгиз маҳсулотларини қўшиш мақсадга мувофик;
- вақти - вақти билан гипонатрийли парҳезни магний тузларига бой таомлар билан алмаштириб туриш керак;
- ичкилик ичишни чеклаш - алкоголь вазопрессор таъсирга эга бўлганлиги сабабли уни кунига тоза спирт ҳисобида 20 мл миқдордан ортиқ истеъмол қилиш ҚБ ни оширади ва bemorni даволашни қийинлаштиради. Уни истеъмол қилишни тоза спирт ҳисобида кунда 10-20 мл гача чегаралаш ҚБ ни 5-10 мм сим. уст. га пасайишига олиб келади;
- кунига эркаклар 23-30 г, аёллар 10- 20 г тоза спирт миқдорига эквивалент бўлган ароқ,(ёки 200-250 мл қуруқ вино ёки 200-500 мл пиво), хафтада эса эркаклар 168 мл гача, аёллар 112 мл гача спиртли ичимлик истемол қилиши мумкин.
- bemorlararga таркибида ош тузи кам бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Кунлик рационда ош тузи миқдори 5 г дан ошмаслиги, лекин гипохлоремия ҳолатига тушмаслик учун 2 г дан кам бўлмаслиги керак. Озиқ-овқатларга туз ўрнига унинг мазасини берувчи, лекин таркибида натрий хлорид бўлмаган санасолдан кунига 1,5-3,0 г гача фойдаланиш мумкин. Магний тузлари билан тўйинтирилган сут, ўсимлик маҳсулотларидан ташкил топган парҳез ҚБни пасайтиради.



Беморлар учун кальций миқдори юқори, ёғ ва кофеин миқдори кам маҳсулотлар фойдалидир. Таркибида кизил мия (солодка) илдизи мавжуд маҳсулотларни истеъмол қилиш мумкин эмас.

### **Дорилар билан даволаш**

Хозирги замон тиббиёти таъсир механизми турли-туман бўлган кўп сонли гипотензив дориларга эга. Уларни таъсир механизмлари, дозалари, тавсия этишга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ҳамда кузатилиши мумкин бўлган ножӯя таъсирлари хисобга олган холда bemorга тавсия этиш мумкин. Гипотензив дориларни танлашда ножӯя таъсирларини хисобга олган холда, КБ ни жуда пастга тушириб юбормасликка ва ортостатик гипотензияга йўл қўймасликка ҳаракат қилиш лозим. Шу билан бирга даволаш самарадорлигини камайтирадиган омилларни ҳам бартараф этиш керак.

Антигипертензив давонинг мақсади:

1. Айнан даволанаётган bemor учун мақсадли ёки оптимал АБ кўрсатгичига эришиши (7- жадвал);
2. Мўлжал аъзоларни шикастланиши ва уни кучайиб кетишини олдини олиш;
3. Юрак қон- томир тизими томондан асоратлар ривожланишини олдини олиш;
4. АГ билан боғлиқ бўлган ўлимлар сонини камайтириш;
5. Бошқа сабаблардан ўлишни олдини олиш.

Хозирги вақтда АБ ни мақсадли кўрсатгичи тўғрисидаги маълумотларга бир мунча ўзгартиришлар критилган бўлиб, улар қуидагилар:

- ХО даражасига боғлиқ бўлмаган холда барча популяциялар учун **АБ ни мақсадли кўрсатгичи < 140/90 мм.сим.уст.** АБ ни хавфсиз пасайтиришнинг қуий чегараси -110/70 мм.сим.уст. Шундай қилиб АБ ни 140/90 -130/80 мм.сим.уст. оралифида ушлаб туриш мақсадга мувофиқ хисобланади.
- Катта ёшдаги bemorларда систолик АБ < 150 мм.сим.ст. бўлиши;
- Яққол намоён бўлган протеинурия кузатилганда АБ 125/75 мм.сим.уст. да бўлиши керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Gadaev A. Ichkikasalliklar, T.: —TuronZaminZiyo, 2019.
2. Мерта Дж. Справочник врача общей практики. Перевод с английского. М.: Практика, 1998.
3. Нобель Дж. Общая врачебная практика. М.: Практика, 2005.
4. Остряков Е.К. Ревматические заболевания: диагностика и профилактика, МИ: Полымя, 2007.